Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 21 январь Чоршанба. №6 (14499)


## ЭЪТИРОФ

### ШЕРХОН -- СТИПЕНДИАНТ

**Тошкент Давлат университети журналистика факультети талабаси Шерхон Қораев 150 долларлик стипендиянинг совриндори бўлди. Бунга уни ўтган йили Қирғизистонда ўтказилган "Марказий Осиё журналистикаси талабалар нигоҳида" мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманда қилган "Миллий истиқлол мафкураси ва матбуот" номли маърузаси ва матбуотда чоп этилган кўплаб долзарб мақолалари учун Японияниң "Сумуто Корпорейшн" компанияси тақдим этди.**

**Ўзбек талабасини бундай ютуқ билан қутлаймиз.**

**Омад сенга Шерхон!**

**А.ЁДГОРОВ**

## Самимий табрик

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

**Бизнинг оиламиз Сизга ва оилангизга ушбу ажойиб байрам дўстларингиз ҳамда яқинларингизнинг ҳарорати билан йўғрилишини тилайди.**

**Саодатли Янги йил истаклари билан**

**Билл КЛИНТОН** **Хиллари Родэм КЛИНТОН**

*Our family wishes you and yours*
*a beautiful holiday season*
*filled with the warmth*
*of friends and loved ones,*
*and with the promise*
*of a happy new year.*

Bill Clinton Hillary Rodham Clinton



Қалб қўри, пешона тери билан тайёрланган ширинликлар дилга хуш ёқади. "Ўртоқ" қандолат фабрикасининг маҳсулотлари сизга шундай роҳат бағишлашига шубҳа йўқ. Суратда: корхонанинг илғор ишчилари Муяссар Раҳимова, Шоҳиста Қосимова, Гавҳар Неъматовалар маҳсулотларнинг сифати хусусида мулоҳаза юритишмоқда.

**Суратчи: А.ГЕРАСИМОВ**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ХИТОЙДА НАШР ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис йўлбошчимизнинг ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган мураккаб муаммоларга ўз муносабати, мустақил нуқтаи назари илмий асосда баён этилган бу асари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинди.

Яқинда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли акс эттирилган бу китоб Хитойнинг «Халқаро маданият» Давлат нашриёти томонидан босмадан чиқарилди. Бу эса Хитой жамоатчилигини истиқлол туфайли мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида юз бераётган тарихий ўзгаришлар билан янада яқинроқ таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жаҳон ҳамжамияти янги аср бўсағасида дуч келаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ечимига бағишланган мазкур асарда баён этилган теран ғоя ва хулосалар хитойлик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчиларга республикамизнинг бу масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Фарғонада вилоят фаолларининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва маърифат муассасаларининг мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичидаги долзарб вазифалари ва муаммоларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Отабоев бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамият тараққиётининг барча соҳаларида, айниқса ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий жабҳаларда салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Мамлакатимизда неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадриятларимиз қадр топмоқда, буюк бобокалонларимизнинг муборак номлари тикланмоқда, улар қолдирган бой илмий меросдан халқимиз баҳраманд бўлмоқда. Миллат ва элатларнинг эмин-эркин яшаши, сўз ва эътиқод эркинлиги таъминланмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзлигимизни теранроқ англаш, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар айниқса таҳсинга сазовордир. Лекин ана шу ғоят муҳим иш ҳамма жойда ҳам замон талаблари асосида олиб борилаяпти деб бўлмайди. Бу эса ёшларнинг таълим-тарбияси билан бевосита шуғулланувчи ўқув муассасалари, шунингдек жамоат ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Давлат аҳамиятига молик бу масалада ҳеч қандай расмиятчиликка, хўжакўрсинга ҳисобот бериш билан чекланиш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди. Бу ишга мутасаддилар юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиб, амалий ишларнинг самарадорлигини оширишлари зарур.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

**Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбири**

## БЕРЛИНДА "ЯШИЛ ҲАФТАЛИК"

16 январда Берлиннинг Халқаро конгресслар марказида "Халқаро яшил ҳафталик" деб номланган қишлоқ хўжалик кўргазмасининг тантанали очилиши бўлди. Мазкур анъанавий тадбир доирасида Германиянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати бўйича ҳамкорларнинг тақдимот маросими ҳам ташкил этилди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг Германия ва Шарқий Европанинг савдо соҳасидаги муҳим шериги сифатида кўрсатилгани табиий ҳолдир. Сиёсий барқарорлик, сармоядорлар манфаатларини ҳимоя этишни таъминловчи қонун ҳужжатлари хорижий, шу жумладан, немислар сармоясини мамлакат саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига жалб этишга кўмаклашмоқда.

Берлиндаги "Халқаро яшил ҳафталик" кўргазмаси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси В.Норов бошчилигидаги делегация иштирок этди. Ҳайъат таркибида республика вазирликлари ва саноат ассоциациялари намояндалари, қайта ишлаш ва савдо корхоналари раҳбарлари бор эди.

"Халқаро яшил ҳафталик" доирасида "Ўзбекистон иқтисодий шерик -- озиқ-овқат саноатида савдо ва кооперациянинг имкониятлари" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда ГФРнинг юздан ортиқ ширкат ва компаниялари вакиллари иштирок этди. Конференцияда сўзга чиққан Германия ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида қониқиш ҳисси билан гапирдилар. Ўтган йили товар айрибошлаш қарийб бир миллиард немис маркасини ташкил этди, мамлакатимизга герман экспортининг миқдори 1997 йилнинг биринчи ярмидаёқ уч баробар ошди.

Германиялик ҳамкорлар конференция минбаридан туриб мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни юксак баҳоладилар. Жумладан, "Ландтехник" қўшма корхонаси раҳбари Франк Шуттпельц Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йилнинг баҳоридаги ГФРга расмий ташрифи давомида германиялик тадбиркорлар билан учрашувдаги нутқини эслади. Ўшанда Ўзбекистон раҳбари ишбилармонларни улкан хом ашё ва катта салоҳиятга эга бўлган ёш республика иқтисодига дадилроқ сармоя киритишга чақирган эди. "Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотлар йўлида эришган натижалари салмоқлидир",-деб таъкидлади жаноб Шуттпельц.

Конференцияда Ўзбекистон сўнгги йиллар мобайнида ўз экспорт салоҳиятини фаол ривожлантиргани, унинг қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларига чет мамлакатларда талаб ортиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Республикамиз немис ширкатлари учун юқори сифатли сабзавот, мева, ёнғоқ, шарбат, турли винолар етказиб берувчи давлат сифатида қизиқиш уйғотмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда етиштирилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши учун энг илғор технологияларни жорий этиш зарур.

Шу мақсадда Ўзбекистон ишбилармонлари ва тадбиркорлари мамлакатимизга тупроққа ишлов берувчи ва уруғчилик агрегатлари, замонавий қайта ишлаш ва қадоқлаш мосламалари етказиб бериш юзасидан аниқ лойиҳалар билан Берлинга келдилар. Сабаби анъаналарга кўра "Халқаро яшил ҳафталик" кўргазмаси озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги янги лойиҳаларни кенг намойиш этади.

Ўзбек делегациясининг Германия Федератив Республикасидаги учрашув ва музокаралари, Европанинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши, шубҳасиз Ўзбекистон агросаноат мажмуига чет эл сармояларининг янада кўпроқ кириб келишига имкон яратади.

**Б.МАМАЖОНОВ, "Жаҳон" АА махсус мухбири**

### Миллий дастур — амалда

## "ШАРҚ"ДА БИЛИМГОҲ БУНЁД ЭТИЛДИ

***Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори Республикамиз матбаачилиги ҳам 1997 йилда улкан муваффақиятларга эришди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида "Шарқ" нашриёти матбаа концерни қўлга киритган ютуқларни келтириш мумкин. Ўзбек матбаачилигини ривожлантиришга ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиб келаётган мазкур концерн 1998 йилни яна бир хайрли ва ёш матбаачи мутахассис кадрларни тайёрлашдек улуғвор иш билан бошлади. Куни кеча Йўлдош Охунбобоев номли Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти билан тузилган шартнома асосида концерн қошида матбаачи мутахассислар тайёрлаш бўйича олийгоҳ бўлими очилиб, иш бошлади. Мазкур институт бўлимининг очилишидан мақсад ва вазифалар хусусида олийгоҳнинг фахрий профессори этиб сайланган, концерн Бош директори Ислом Шомуродович ШОҒУЛОМОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:***

-- 1997 йил мамлакатимиз ҳаётида улкан иқтисодий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислоҳотлар даври бўлди. Жумладан, мазкур йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бошқа соҳа кишилари қатори биз, матбаачилар олдига ҳам улкан вазифаларни қўйди. Иқтидорли ёшларни матбаачилик соҳасига жалб этиш, уларни ўқитиш, тарбиялаш ва келгусида тажрибали мутахассислар этиб вояга етказиш ана шундай вазифалардан биридир.

Маълумки, мустақилликка эришгунимизга қадар ўзбек миллий матбаачилигига эътибор ниҳоятда суст эди. Бизга кадрларни асосан Москва ва Украина матбаачилик институтлари тайёрлаб берарди. Иттифоқ тарқаб кетгач, муҳандис-технологларга бўлган эҳтиёжимиз ошди. Мутахассис дизайнерлар, техник муҳаррирлар, технологлар, механиклар ҳамда иқтисодчилар тайёрлаш ва уларни концернимизга ишга жалб этишдек долзарб муаммо олдимизда турарди. Мавжуд соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш Фарғона политехника институтидан Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси тасарруфига ўтказилгач, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал қилиш имконияти туғилди. Концернимиз олийгоҳ жамоаси билан ҳамкорликда миллий кадрларни тайёрлаш дастурига мувофиқ ўзимизда институт бўлимини очишга муваффақ бўлди. Куни кеча шу институт ректори, профессор Ҳ.Олимова бошчилигида бўлимнинг биринчи сессияси ўтказилди.

Унда концернимиз томонидан мутахассислар тайёрлаш йўлида яратилган шарт-шароитлар юзасидан институт маъмурияти мамнун эканлиги билдирилди. Давримиз компьютерлар, олий тоифадаги информатика ҳамда малакали техник-дизайнерлар даври. Эндиликда матбаачилигимизни компьютерларсиз тасаввур этиш қийин. Олий сифат белгисига эга бўлган китоблар, газета ва журналлар чиқариш учун бизга ниҳоятда билимдон дизайнер матбаачилар керак. Уларни ўқитиш ва тайёрлаб етиштириш учун концернимиз катта имкониятларга эга. Ривожланган ҳамда олий сифат мақомига эга бўлган компьютерлар билан жиҳозланган хоналар, амалий ва назарий машғулотлар ўтказиш учун биноларимиз мавжуд. Бу ерда кўп йиллик меҳнат тажрибаси, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали иш ўргатиш қобилиятига эга бўлган муҳандислар, иқтисодчилар, дизайнер технологлар фаолият кўрсатишади.

Бугунги кунда концернда 25 нафар олий маълумотли, 90 нафар Тошкент матбаа коллежини тамомлаган, 173 нафар киши эса ўрта махсус ҳунар-техника билим юртида таҳсил олган мутахассислар меҳнат қилишади. Улар орасида 12 киши ишдан ажралмаган ҳолда институтда таълим олиб, олий матбаачилик билимига эга бўлишган. Эндиликда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда шартномавий асосда корхонамиз қошида бўлимнинг очилиши бўлажак матбаачилар учун янада қулайлик яратди. Талабалар ҳафтанинг уч кунида нашриётда амалий иш олиб борсалар, қолган кунлари матбаачилик назариясидан таҳсил оладилар. Шундай қилиб, олинган билимлар амалиёт билан уйғунлашиб, иш тажрибалари ошиб бораверади.

Бўлим ёшларга замонавий компьютерлар ёрдамида газета, китоб, журналларни тез ва сифатли тайёрлаш ҳамда чоп этиш маҳоратини ўргатади, китобларни бежирим, буюртмачиларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ тайёрлаш сирларидан огоҳ этади. Ҳозирги кунда ўқув машғулотларини олиб бориш учун махсус дастурга эгамиз. Олий ва ўрта махсус билимларга эга бўлган мураббийлар жалб этилган. Мақсадимиз келгусида матбаачилигимизни янада ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан баркамол давлатлар қаторига олиб чиқиш йўлида билимдонлик билан меҳнат қилувчи фидойи ўринбосарларни етиштириш. Шу мақсад йўлида ўз куч-ғайратимизни бундан буён ҳам сидқидилдан сарфлайверамиз.

### "Камолот" янгиликлари

## ИШСИЗЛАРГА ИШ ЖОЙИ

Ёшларни иш билан таъминлаш борасида "Камолот" жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими томонидан талай хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунгача вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркаларидан сўнг 800 нафарга яқин ёш ишга, 127 нафари янги касб ўрганишга жўнатилди.

Жамғарма бўлимлари қошида ташкил этилган кичик корхона ва фирмаларда эса 110 киши доимий иш билан таъминланди.

## ЙИГИТМИСАН -- АСКАР БЎЛ

Халқ тилида айтиладиган бу сўз замирида олам-олам маъно бор. Жамғарманинг вилоят бўлими тегишли ташкилотлар билан биргаликда мактаблар ва билим юртларида бир кунлик "Аскар учрашувлари" тадбирини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Мустақил юрт аскару зобитлари ҳаёти, жисмоний ва маънавий баркамоллик хусусидаги ҳаяжонли суҳбатлару, мулоқотларга бой бундай учрашувларни йигитлар соғинадиган бўлиб қолди.

## "САДОҚАТ" -- ЁШЛАР НАШРИ

"Камолот"нинг вилоят бўлими ва "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида нашр этилаётган "Садоқат"нинг ўқувчилар қўлига етиб борганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, газета бугун ўз ўқувчисини, муштарийсини топа олди. Боиси у ёшлар ҳаёти, уларнинг муаммоларини ёритади, зарур маслаҳатлар беради. Уларни қизиқтирган мавзуларда мақолалар эълон қилади.

**/Ўз мухбиримиз/**

## ДИЙДОРЛАШУВ

Яқинда Бўка туманилик бир гуруҳ ота-оналар ҳамда туман мудофаа ишлар бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" жамғармаси раҳбарлари Сурхондарё вилоятида ўз хизмат бурчини бажараётган аскарлар ҳузурида бўлишди.

Уларни ҳарбийлар қувонч билан кутиб олди.

Аскарлар ота-оналари билан дийдорлашар эканлар, шодликларига шодлик қўшилиб, кайфиятлари янада кўтарилди.

Меҳмонлар фарзандларининг яшаш шароитларини кўриб, яратилган қулайликлардан хурсанд бўлдилар.

### 1998 йил — «Оила йили»

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Қайси юрт кишиларининг маънавий савияси юқори бўлса, ўша элнинг миллий қадриятлари асраб-авайланади, Оила деб аталмиш муқаддас даргоҳда тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. "Камолот" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимида ўтказилган анжуман ана шу миллий қадриятлар, оила масалаларига бағишланди.

"Оила, миллий қадриятлар ва ёшлар тарбияси" мавзуида ўтказилган ушбу йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази шаҳар бўлимининг раҳбари Садир Салимов ва "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоевлар иштирок этишди. Унда оила, миллий қадриятларимиз, бугунги кун ёшларининг мавқеи хусусида сўз юритилди.

Йиғилиш иштирокчилари анжуман сўнггида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Н.ПИРНАЗАРОВА**

## ДИЛЛАРДА ҚОЛГАН ФЕСТИВАЛЬ

"Камолот" жамғармаси ва Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган ёш ҳинд санъат усталари асарлари фестивали бугун якунланди. Бир ойдан ошиқроқ вақт мобайнида давом этган бу кинофестиваль ўзининг ажойиб фильмлари билан Республикамизнинг турли вилоятларида, шаҳар-у қишлоқларида бўлди. Дастурга киритилган фильмлар эса ёшлар учун бепул намойиш этилди.

Ўзбеклар азалдан ҳинд қўшиқлари, кинолари ошуфтаси бўлган. Бу галги фестивалдан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ёшлар қачонлардир "Шармали", "Голмали", "Лайли ва Мажнун", "Чандролика", "Паренада" каби фильмлар таассуротлари билан бу фестивални илиқ хотиралар ила эслашади.

## ОБ-ҲАВО

*Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 21 январда Республикамиз ҳудудида ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади.*

*Тошкентда вақти-вақти билан қор ёғиши кутилади, кечаси 6-8, кундузи 1-3 даража совуқ бўлади.*

*Ўзбекистоннинг тоғли туманларида қор кўчиши хавфи бор.*

